

Коинот кенгаймоқда



13:46 / 24.03.2025 3362

Олимлар галактикалар улкан тезликда ҳаракатланаётганини ва биздан узоқлашиб бораётганини, бу эса осмоннинг кенгайиб, вақт ўтиши билан ҳажми ортишини аниқладилар. Бугунги кунда коинотнинг кенгайиши улкан ҳақиқатлардан бири экани собит бўлган. Коинотнинг кенгайиши ва бу кенгайиш вақт ўтиши билан тезлашишини исбот қилган ғарб олимларидан уч нафари Нобел мукофти билан тақдирланган. Коинотнинг кенгайишини кашф этилиши йигирманчи асрдаги энг аҳамиятли кашфиётлардандир.

Маълум бўлишича, галактикалар биздан ҳар тарафга қараб узоқлашиб бормоқда ва улкан тезлик билан ҳаракатланиб, коинотнинг анча кенгайишига сабаб бўлмоқда. Қуръони Карим бу улкан ҳақиқатнинг хабарини бериб қўйган. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат

қилган:

﴿٤٧﴾ الْمَوْسَىٰ وَإِنَّا بِأَيْدِي بَنِيهَا وَالسَّمَاءِ

«Ва осмонни куч қудрат ила бино қилдик. Албатта, Биз уни Кенгайтирувчимиз» (Зориёт сураси, 47-оят).

Бу расмда аниқ низом билан ҳаракатланиб бир-биридан узоқлашаётган галактикалар акс этган. Булар Холиқ азза ва жалланинг буюклигига ва Қуръони Каримнинг ҳақлигига далолат қилади.

Абдуддоим Каҳел мақоласидан

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 4 мартдаги 03-07/1462-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.